



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2012-yil, 30-avgust. Payshanba • 105 (31.537) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ХАЛҚИМИЗ БУЮК БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди

МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАРДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР, УЛКАН МИҚЁСДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ЯНГИДАН-ЯНГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИНШОТЛАРИ, ТИББИЁТ ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, САВДО МАРКАЗЛАРИ, ТУРАР-ЖОЙЛАР, ЙЎЛЛАР БАРПО ЭТИШ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Бундай иншоотларни энг улғу ва энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш аънамага айланган. Ана шу хайрли аънамага мувофиқ истиклолимизнинг 21 йиллик байрами олдидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, пойтахтимизда кўплаб янги иншоотлар қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов 29 август куни Тошкент шаҳридаги ана шундай иншоотларнинг айримлари билан танишди. Президентимиз академик В.Воҳидов номидagi Республика иختисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардио-жарроҳлик мажмуасига ташриф буюрди.

Ўртабшарни раҳнамолигида тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида аҳолига кардиология йўналишида кўрсатилаётган хизматлар кўламини янада кенгайтириш, профилактика ва диагностика ишлари самардорлигини ошириш ва тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётган. Кардио-жарроҳлик мажмуаси мамлакатимизда соғлиқни сақ-

лаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури доирасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг эркин намуна-сидир.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни такомиллаштириш, тахсис кўйиш ва даволашнинг энг илғор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам тизимини яратиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг устувор вазифаларидандир. Тўрт қаватли мазкур марказ кардиология жарроҳлиги йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган. Мажмуанинг биринчи қаватида кунига икки юз беморни кўридан ўтказишга мўлжалланган поликлиника, қон қуйиш станциялари, стационар шароитда даволанадиган беморларни қабул қилиш хонаси, конференция зали ва бошқа хизмат хоналари жойлашган.

Бинонинг иккинчи қаватида уч ёшгача бўлган болаларнинг туғма юрак нуқсонларини даволаш бўлими, интервенцион кардиология ва юрак уриш ритми бўлими бўлими ҳамда ангиографик жарроҳлик хо-



налари мавжуд. Учинчи қаватда кардио-жарроҳлик бўлимининг палата, гемодиализ ва трансплантация бўлими, клиник-диагностика лабораторияси ва диагностика хоналари жойлашган. Тўртинчи қават эса реанимация бўлими ва иккита кардио-жарроҳлик хоналарига эга. Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, жарроҳлик амалиёти жараёнида фойдаланиладиган замонавий тиббиёт техникаси ва технологияларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

Жарроҳликда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ўрнатишда уларнинг имконияти ва замонавийлигини инобатга олиш керак, — деди Президентимиз. — Бу жараёнларнинг замирида инсоннинг соғлиги, ҳаёти муҳассам эканлигини асло унутмаслигимиз лозим. Жарроҳлик соҳасини янада тараққий эттириш учун ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларни дунё ҳамжамиятига

кенг намоёйиш этиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарур.

Бундай марказларнинг ташкил этилиши, мавжудларининг қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар, техника ва технологиялар билан жиҳозланиши халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш, диагностика ва даволаш борасидаги юксак технологияларни ўзлаштириш ҳамда улардан амалда оқилона фойдаланиш имкониятини бераётган. Республика иختисослаштирилган жарроҳлик марказида бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган — стационар ва амбулатор шароитда ҳар йили қарийб ўттиз беш минг беморга маслаҳат-тахсис ва даволаш хизмати кўрсатишмоқда.

Марказнинг ўзида яратилган ишланмалар асосида мураккаб операциялар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, бу инсон ҳаёти учун муҳим органларни қайта тиклаш жарроҳлигига тааллуқлидир. Бу борада ўткир миокард инфаркти, буйрак томирларининг шикастланиши, қорин бўшлиғи, қўл-оёқ томир тизими касалликлари

бўйича мураккаб операцияларни амалга ошириш услуби пухта ўзлаштирилди, микрожарроҳлик ва кардио-жарроҳлик хизматини ривожлантиришга эришилди. Операциялар юрак очилган ҳолда ҳам, у ишлаб турган пайтда сунъий қон айланттириш аппарати уланмасдан ҳам амалга оширилмоқда. Марказ минтақамизда жигар циррози ва унинг асоратларини жарроҳлик йўли билан даволайдиган ягона клиникадир. Ушбу марказнинг фаолияти Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар нечоғли юксак самара бераётганидан эркин далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари «Бунёдкор» футбол мажмуасидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаби фаолияти билан танишди.

(Давоми 2-бетда.)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақам сийҳат-саломатлик, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, чин қалбдан эзгу истаклар билдирилган.

Жумладан, Хитой Халқ Республикаси Раиси ва Америка Қўшма Штатлари Президенти томонидан йўлланган табрикларда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст халқингизга Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, хитой халқи ва шахсан ўз номидан самимий қутловлар ва энг эзгу тилақларимизни йўллайман.

Мустақиллиқнинг 21 йили мобайнида Сиз, Жаноби Олийларининг узоқни кўзлаган раҳбарлигининг остида Ўзбекистон ижтимоий уйғунлик ва барқарорлиқни муттасил сақлаб келмоқда, иқтисодийнинг устувор даражада ривожланишини таъминламоқда ва ўзининг тараққиёт йўлига амал қилган ҳолда ғоят катта ислохотларни олиб бормоқда ва халқаро ҳам-жамиятнинг эътирофи ҳамда ҳурматига сазовор бўлмоқда, бунга эса Хитой томони Ўзбекистоннинг самимий дўсти ва ишончли шериги сифатида чин дилдан қувонмоқда. Ўзбекистонга Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлиги остида давлат қурилиши соҳасида яна ҳам ёрқинроқ муваффақиятларга эришишни тилайман ва бунга менинг ишончим комил.

Хитой билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан кейин ўтган 20 йил давомида икки томонлама муносабатлар соғлом ва барқарор тарзда изчил ривожланиб бормоқда. Хар иккала томон сиёсий соҳада бир-бирига ишонч билан қарайди, иқтисодийта ўзаро манфаатли ҳамкорлик-

ни давом эттирмоқда, хавфсизлик соҳасида мустақам алоқаларни сақлаб қолмоқда ва халқаро ҳамда минтақавий масалаларда ўзаро мадад ва ёрдам кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг июнь ойида Сиз, Жаноби Олийларининг Хитойга ғоятда муваффақиятли ташрифингиз амалга оширилди, Сиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг йиғилишида ҳам иштирок этдингиз.

Ташриф давомида биз Хитой билан Ўзбекистон ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма Декларацияни имзоладик, бу эса икки томонлама муносабатларнинг юқори поғонага кўтарилишини таъминлади, уни янги ривожланиш босқичига олиб чиқди ва тараққиётнинг яна ҳам кенгроқ истиқболларини очди. Мен Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклиқни ривожлантириш борасида Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда саъй-ҳаракат қилишга тайёрман, бу шериклик иккала давлат ва халқларнинг манфаатлари йўлида тўлақонли ва бой мазмунга эга бўлади.

Ўзбекистонга куч-қудрат ва раванқ, унинг халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ тилайман ва энг эзгу истакларимни изхор қиламан.

Ху Цзиньтао,
Хитой Халқ
Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари! 1 сентябрь — Мустақиллик куни муносабати билан мен Ўзбекистон халқини Америка Қўшма Штатлари халқи ва шахсан ўз номидан муборакбод этаман. Мамлакатларимиз ўзаро муносабатларимизни мустақамлаш йўлида муҳим қадамлар қўйди ва ишончим комилки, бизнинг ўза-


ро ҳурмат ҳамда эзгу ният ва интилишларимизга асосланган шериклигимиз бундан буюн ҳам ўсиб, ривожланиб бораверади.

Сизга ва Ўзбекистон фуқароларига байрамни шодхуррамлик билан ўтказишингизни тилайман.

Эҳтиром ила,
Барак ОБАМА,
Америка Қўшма
Штатлари Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ҳам ўз қутловларини йўллашган:

Корея Республикаси Президенти **Ли Мён БАК**
Германия Федератив Республикаси Президенти **Йоахим ГАУК**
Болгария Республикаси Президенти **Росен ПЛЕВНЕЛИЕВ**
Саудия Арабистони Подшоҳи, Икки муқаддас масжид ходими **Абдулла бин Абдулазиз Ол САУД**
Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, Мудофаа вазири **Салмон бин Абдулазиз Ол САУД**
Украина Президенти **Виктор ЯНУКОВИЧ**
Туркменистон Президенти **Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ**
Ислам тараққиёт банки президенти **Аҳмад Муҳаммад АЛИ**
Қутловлар келиши давом этмоқда.



Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ЭТИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

аҳоли бандлигини таъминлашдир



КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ПАРТИЯМИЗНИНГ МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ КУЧАЙТИРИЛИБ, ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ҚАТОР ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАЯПТИ. ЎЗХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНING «МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТимоий Қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси бу йўналишдаги ишларда муҳим қадам бўлди.

→ 2

ХАЛҚИМИЗ БУЮК БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди

Футболни ривожлантириш, ўзбек футболининг ёрқин келажagini таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида «Бунёдкор» футбол мажмуасида болалар ва ўсмирлар футбол мактаби барпо этилди. Ушбу мактаб келажакда халқро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир, иқтидорли ва истиқболли футболчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олиши, ўз иқтидор ва маҳоратини ошириши учун барча шароитлар яратилган.

Мазкур мактаб ўқувчилари бошланғич, тайёрлов, тақомиллашув каби уч bosқичда тахсил олади. Болаларга тажрибали, профессионал мураббийлар таълим беради.

Мактаб мажмуаси ўқув-маъмурий корпус, ётоқхона, спорт зали, сув ҳавзаси, ошхона биноларини ўз ичига олган. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дам олиш хоналари, мажлислар зали мавжуд.

Синф хоналари ўқув дастурлари, локал тизим ва интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳар бири 2 ўқувчи мўлжалланган ётоқхоналарда барча шарт-шароит мавжуд.

Мактабдаги сузиш ҳавзасини сувга тўлдириш, иситиш, филтрлаш, тўкиш тизимлари тўлиқ автоматлашган, замонавий юқори технологик ускуналар билан таъминланган. Бу ерда тиббий бўлим ҳам мавжуд.

Президентимиз бу ерда тах-

сил оладиган болалар ва ўсмирларнинг нафақат футбол бўйича маҳоратини оширишга, балки бошқа фанлар юзасидан ҳам билим ва кўникмаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди. Бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорликда ушбу мактаб учун махсус дастур тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган ушбу таълим даргоҳида яратилган кенг имкониятлар, машғулотларнинг юқори савияда, энг илғор усуллар асосида олиб борилиши ёш футболчиларнинг ўз кучи ва салоҳиятига бўлган ишончини ошириши, шубҳасиз.

Президентимиз Ислам Каримов янги қурилган «Бунёдкор» стадионини бориб кўрди.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори футболни ривожлантириш, юксак маҳорат ва профессионал кўникмаларга эга ёш футболчиларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тuzилган. Бугун ушбу жамғарма томонидан болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари, хусусан, сунъий қопламали майдонларни барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга

оширилаётир. Президентимизнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, юртимизда янги стадионлар барпо этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда.

Энг замонавий талаблар асосида қурилган «Бунёдкор» стадиони диёримиз бўйлаб изчил давом этаётган бунёдкорлик ишларининг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

34 минг ўринли стадион трибуналарида томошабинлар учун мўлжалланган ўринлар пастки ва юқориги қаватларга бўлинган. Шунингдек, бу ерда ногиронлар учун мўлжалланган алоҳида сектор мавжуд.

Давлатимиз раҳбари стадионда хавфсизлигини таъминлаш, томошабинлар маданияти масалаларни хусусида алоҳида тўхтади.

Биз жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган улғун авлодларимиз, бой маданиятга, эзгу қадриятларга эга халқимиз, деди давлатимиз раҳбари.

Халқимизнинг ана шундай гўзал фазилатлари мана бундай стадионларда ўтказилади-ган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак. Ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишидан қатъи назар унда ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши даркор. Бу борада Ўзбекистон футбол федерацияси, футбол клубларимиз раҳбарлари, мухтассислар футбол мухлислари ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши лозим. Бир сўз билан айтганда, юртимизда мухлислик маданиятини ҳам энг юқори даражага кўтаришимиз даркор.

«Бунёдкор» стадионида спортчилар ва мухлислар учун яратилган шароит ва қулайликлар энг замонавий талабларга жавоб беради. Хусусан, биринчи қаватда спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, футбол маъмурулари учун мўлжалланган хоналар, ошхоналар, матбуот анжуманлари зали, футбол клуби музейи мавжуд. Стадионнинг иккинчи қаватида учта ресторан, фитнес маркази барпо этилган.

«Бунёдкор» стадионининг муҳандислик таъминотида алоҳида эътибор билан ёндашилган. 11х7,5 метр ўлчамдаги иккита видео-табло мухлисларга футбол учрашувини ҳар томонлама кўриш имкониятини беради. Ёритиш ускуналари ФИФА талабларига тўла мос келади. Бу ерда таширф бўйриган мухлис-ларга маълумотлари тез ва сифатли етказиш имконини бера-

диган замонавий аудиосистема, рекламаларни намоёйиш қилиш учун футбол майдони четида видеооборат мосламалари ўрна-тилган. Мусобақаларни тўғридан-тўғри эфирга узатувчи теле ва радиотрансляция тизими, шарҳловчилар хонаси халқро стандартлар даражасида.

Ислам Каримов стадионда бир гуруҳ ёш футболчилар билан суҳбатлашди. Уларнинг орзу-интилишлари билан қизикди, уларга ўз совғаларини тақдим этди.

Истиқлолимиз шарофати билан бундай муҳташам иншоотларни бунёд этиш имкониятига эга бўлди. Бу барчамизни қувонтиради, деди давлатимиз раҳбари. Энг азиз айёмимиз — Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилган, илгари тасаввур қилинмиш ҳам қийин бўлган ушбу янги замонавий футбол мажмуи барчамиз учун, бутун халқимиз учун ажойиб байрам совғаси бўлди.

Мустақиллигимиз берган имкониятларнинг ҳаётимиздаги ифодаси бўлган бундай кенг миқёсдаги қурилиш ишлари, спортни ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган бу каби иншоотлар баркамол авлодни тарбиялаш, эл-юртимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиши баробарида халқимиз буюк бунёдкорлик салоҳиятини ҳам аққол намоёйишди.

Ноира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Олим ТўРАҚОВ, ЎЗА мухбирлари.

Муносабат

МУВАФФАҚИЯТ-ЛАРИМИЗНИНГ АСОСИ МУСТАҚИЛЛИКДИР

ЮРТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР, ВАТАНИМИЗДА ҲУҚМ СУРАЁТГАН ТИНЧЛИК ВА ОСОИШТАЛИК ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ — МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИДИР.

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР МЕВАСИНИ ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ҲАЁТИМИЗДА, ОИЛАМИЗДА, ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ КАМОЛИДА Кўриб, БИЛИБ ТУРИМИЗ.



Дилбар ХОЛИҚОВА,
Олий Мажлис Қонунчили палатаси депутаты,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар тадрижий тарзда изчил амалга оширилмоқда. Янгилишни ва ўзгаришлар самаралари ҳар бир соҳада ўз ифодасини топа-япти.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат бошқарувини эркинлаштириш, суд-ҳуқук, сийлов ва бозор ислохотларини янги bosқичга кўтаришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, жамоатчилик назорати институтининг таъсирини кучайтириш ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашимизда муҳим аҳамиятга эга. Дунё тажрибасидан маълумки, бунинг учун фуқаролик жамияти институтлари, аввало, сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиқиб, ўзининг барча бўғинларида ишни тизимли ташкил қилиши зарур. Бу қабул қилинаётган қонунларнинг сифати, айти пайтда, жойларда ислохотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, сиёсий партияларга давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш жараёнларида фаол иштирок этиш учун мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиб берилмоқда.

Бошқа партиялар сингари Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам бу имконият ҳамда ваколатлардан самарали фойдаланишга, электорат манфаатини ишончли ҳимоя қилишга интильмоқда.

Энг улғун, энг азиз байрам арафасида мамлакатимизда эришилган ютуқлар қаторида яна бир нарсани алоҳида эътироф этмасдан бўлмайди. Истиқлол йилларида юртимизда аёлларнинг жамиятдаги нуфузи ошиб, хотин-қизлар иқтидор ва имкониятларини намоён этиши учун кенг шароит яратиб берилди. Жумладан, 1995 йилда республика аёлларининг давлат ва жамият қурилишидаги ўрнини оширишга бағишланган махсус Фармон қабул қилинди. Натижада республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Бош вазир ўринбосари макюмига эга бўлди. Жойларда хотин-қизлар қўмиталарининг раислари ижро ҳокимияти таркибига киритилиб, ҳоким ўринбосарлари бўлди. Бундан ташқари, аёлларнинг сиёсий фаоллигини таъминлаш мақсадида 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сийлов тўғрисидаги Қонунга тегишли ўзгаришлар киритилиб, сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши шартлиги белгилаб қўйилди. Бу юртимиз аёлларининг ҳаётини яхшилаш, опа-сингилларимизнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга жуда катта хизмат қилаяпти. Фурур билан айтиш жоизки, Ўзбекистонда аёлларга жаҳон давлатларининг ҳеч бирида кузатилмаган эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида кўпгина юртдошларимиз қатори мен ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Шухрат» медали билан тақдирландим. Қувончим чексиз, албатта. Каттарона меҳнатим эътироф этилиб, берилган юксак мукофот келгусида ўз меҳнатим билан ишончини оқлаш учун зиммамга катта масъуляти оқлайди. Зеро, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун яшаб, меҳнат қилиш ҳар биримиз учун олий бахтдир.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

30 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ Тўққизинчи ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛАДИ.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисини ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тинланди.

Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталар мажлисларининг ўтказилганлиги тўғрисида ва тўққизинчи ялпи мажлис ҳуқуқимизга киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар, бошқа масалалар юзасидан қарорлар лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажли-

сида йигирма тўртта масала кўриб чиқилиши мўлжалланмоқда, уларнинг 9 таси қонунлардир.

Ялпи мажлисда кўриб чиқиладиган, давлат ташқи сиёсатининг фундаментал принципларини ва стратегик устувор йўналишларини, халқро майдондаги мақсад ҳамда вазифаларини, Ўзбекистоннинг ўрта ва улғун муддатли истиқболга мўлжалланган манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган қарарларнинг ялпит тизимини назарда тутадиган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маж-

эканлиги алоҳида таъкидланди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўлажак ялпи мажлисида муҳокама қилинадиган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган қонунларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Суд-ҳуқук тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг

фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Мардлик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги, шунингдек, бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ЭТИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

аҳоли бандлигини таъминлашдир

Бўстонлик туманида мазкур лойиҳанинг Тошкент вилоят bosқичи ўтказилди. Унда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Молия ва Солиқ бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Сайдивали АҲМЕДОВ, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Айти пайтда республика-мизда 10 мингдан ортиқ маҳалла мавжуд. Шу боис жойларда фуқароларни ўйлантираётган масалаларга ўз вақтида ечим топиш, уларнинг манфаатини ҳимоя этишда ўзини ўзи бошқариш идораларининг таъсирини жуда катта. Ҳамкорликни янги bos-

қичга олиб чиқиш, улар фаолиятини замон талабларига мос равишда ривожлантириб бориш гоётада муҳимдир. Партия ташкилотларимиз томонидан депутатлар иштирокида ўтказилаётган тизимли тадбирлардан қўзланган мақсад ҳам жамоатчилик эътиборини кўпроқ ижтимоий кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга амалий кўмак бериш масаласига қаратишдир. Зеро, партиямизнинг дастурий мақсадлари маҳалла олдидики мазкур вазифалар билан ҳамоҳанг.

Абдурашид РАСУЛОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилоят бўлими раисининг ўринбосари:

— Вилоятда ЎЗХДП кенгашлари, депутатлари билан ҳамкорликда қатор хайрли ишларни йўлга қўйганимиз. Партия-

нинг ўз электорати манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги ташаббусларини ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

Мен шу партия аъзосиман. Фондимиз томонидан ҳам Халқ демократик партияси Дастурига ҳамоҳанг равишда қатор ишлар бажарилаяпти. Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 6 та оиллага моддий ёрдам кўрсатилди, 12 та ёш оила имтиёзли шартлар асосида кредит олишига ҳамда 10 та оила манший техника билан таъминланшига ёрдам берилди.

Жойларда камчиликлар, аҳоли дуч келаётган муаммолар оз эмас. Айниқса, моддий ёрдамнинг ўз жойига етиб бориши масаласига маъсулиятчи ёндашиш ҳоллари учраб турибди. Бу борада жамоатчилик назоратини қучайтириш долзарб аҳамиятга эга. Демак, партия билан бу йўналишда ҳамкорликни янада кучайти-

ришга эҳтиёж сезилмоқда.

Тадбирда йил бошидан буён мазкур лойиҳа бўйича маҳаллаларда ўтказиб келинаётган ишлар ва уларнинг мониторинг янгуллари кўриб чиқилди. Унга кўра бир қатор номинациялар бўйича голиб маҳаллалар аниқланди.

Фарида ЖўРАБЕКОВА, Янгийўл туманидаги «Мезон» МФЙ раиси, «Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашга энг кўп ҳисса қўшаётган маҳалла» номинацияси голиби, ЎЗХДП фаоли:

— Ушбу номинация голиби бўлиш бизни руҳлантириб, келгуси ишлар учун рағбатлантирди.

Маҳалламиздаги мингдан ортиқ хонадонда 14 миллатга мансуб 2,7 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўмакка муҳтож одамларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жамиятда ўз ўрнини

топишида ёрдам бериш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келамиз. Мазкур сазъ-ҳаракатлар самараси ўларок, сўнгги уч йилда 100 га яқин фуқаро иш билан таъминланди, 10 дан ортиги ўз оилавий бизнесини йўлга қўйди.

Бундан кейин ҳам маҳалламизда янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолади.

Тадбир сўнггида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда маҳалланинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган тақдирлар умумлаштирилиб, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги партиянинг депутатлиги гуруҳига юборишга келиши қилинди.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: ЯНА БИР ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган улкан ютуқ ва марралар ҳақида сўз юритилганда, бошқа муҳим соҳалар қатори таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган умумий миллий дастурларимиз, уларнинг улкан амалий натижалари биринчи навбатда тилга олинади. Бу беҳиз эмас, албатта. Чунки бугунги кунда ҳар қайси халқ, давлат ва жамиятнинг тараққиёт даражаси авваламбор унинг инсон капиталига, инсон ривожига бераётган эътибори, шу йўлдаги саъй-ҳаракатлари билан ўлчанади. Жаҳондаги энг нуфузли ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига айнаи шу масалаларнинг устувор йўналишлар сифатида киритилгани ҳам бу фикр-ни тасдиқлайди.

Ўзбекистон ўз мустақил тараққиёт-нинг биринчи кунларидан бошлаб инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият сифатида улуғлаб, бу гоани давлатимиз Конституциясида ҳуқуқий ҳолатида шаклида мустақамлаб қўйди. Шу асосда ўтган даврда ғоят кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, инсон манфаатларини таъминлаш барча ўзгариш ва ислохотларимизнинг бош мақсадига айланди. Бу ҳақда Президентимиз Ислам Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлиси минбаридан туриб сўзлаган нутқи ва бошқа чиқишларида атрофлича фикр юритилгани, бу борада яқин ва олис истиқболга мўлжаллаб қабул қилинган стратегик дастурларимизнинг мазмун-моҳияти кенг баён этилгани жамоатчилигимизга яқин аён, албатта.

Ўз вақтида узоқни кўлаб ишлаб чиқилган, изчиллик билан амалга оширилаётган, дунёда ўхшаши кам бўлган умумий миллий дастурларимиз тўғрисида таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, болалар спортини ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос модель шаклланди.

Энг муҳими, уларнинг ҳар бири юртимизда янги демократик жамият кураши концепциясининг узвий таркибий қисми сифатида буюк келажакимиз биносини барпо этишда ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Бу дастурлар тобора амалий ҳаётимиздаги реал қадриятга, янги ҳаёт ва дунёқараш негизига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Бугунги кунда бу йўлда қатъият билан оlib

бораётган ишларнинг аниқ натижаларини ҳар бир юрtdошимиз ўз ҳаётида хис этаётгани, уларнинг онгу тафаккури, маънавий олами ана шундай ўзгаришлар тўғрисида юксалиб бораётгани шундай деб таъкидлашга асос беради.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йилнинг ноябрь ва шу йилнинг февраль ойларида мамлакатимиз пойтахтидаги Симпозиумлар саройида ўтказилган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» ҳамда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференциялар ҳақида эслаш ўринлидир. Хусусан, юқорида зикр этилган иккинчи халқаро анжуманда дунёдаги 8 та нуфузли халқаро ташкилот ва 48 давлатдан 270 нафар иштирокчи қатнашди. Уларнинг барчаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умумий миллий дастури доирасида юртимизда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишиб, мактабларда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртиларида бўлиб, Ўзбекистонда таълим соҳасида шаклланиган самарали моделини юксак баҳоладилар, бу борада тўпланган тажрибаларни бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этиш мумкин, деган хулосага келдилар.

Таъкидлаш керакки, бундай эътирофлар географияси кейинги пайтда тобора кенгайиб, улар аниқ илмий-амалий тадқиқотлар, халқаро тахлилий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топмоқда. Бунинг тасдиғини халқаро медиа оламида машҳур бўлган CNN компаниясининг АҚШ, Ўзбекистон ва жаҳоннинг бошқа давлатларида таълимнинг ҳолати тўғрисида яқинда эълон қилинган қиёсий ахбороти мисолида яққол кўриш мумкин. Шуниси эътиборлики, бу ахборот Франциянинг нуфузли «Insee» халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) томонидан тайёрланди, шу йилнинг 3 июлида эълон қилинган «2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси» деб номлаган тахлилий маърузага асосланган.

Айтиш керакки, ушбу тадқиқот дунё мамлакатларининг инновацион ривожланиш борасидаги 80 та кўрсаткичини ўз ичига олади. Тадқиқот 2012 йилда 141 та мамлакатни қамраб олди. Бу мамлакатлар жаҳон миқёсида ялпи ички маҳсулотнинг 99,4 фоизини иш-

лаб чиқариши, сайёраимиз аҳолисининг 94,9 фоизи айнаи шу давлатларда истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлса, мазкур тадқиқотнинг қўламини, салмоғи ва географиясини ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз мумкин.

Маъруза муаллифларининг фикрига кўра, дунё мамлакатлари иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши инновацион салоҳият ва қўлай шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир. Бундай ҳолатни баҳолашда ҳар қайси мамлакатнинг инновациялар бўйича индекси алоҳида ўрин тутди. Мазкур индекс эса қуйида баён этилаётган икки гуруҳ кўрсаткичлар бўйича йиғилган умумий баҳолаш асосида ҳисобланади. Биринчи гуруҳ — инновацияларни амалга ошириш учун мавжуд ресурслар ва шароитлар (институтлар; инсон капиталли ва тадқиқотлар; инфраструктура; ички бозор ва бизнеснинг ривожланиши). Иккинчи гуруҳ — инновацияларни амалга оширишнинг амалий натижалари (технологиялар ва иқтисодий ҳақиқатли билимларни ривожлантириш; креатив фаолият натижалари). Яқиний индекс ҳаражатлар ва эришилган самара ўртасидаги нисбатни намоён этади ва бу ўз навбатида тадқиқотда қамраб олинган ҳар қайси мамлакатдаги инновацияларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни ҳолис баҳолаш имконини беради.

Биз учун ғоят қувончли томони шундаки, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон ушбу рейтинглар рўйхатида 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўринни эса 75,70 балл билан Ирландия банд этган. Дания, Янги Зеландия, Исландия, Бельгия сингари бир гуруҳ ривожланган Европа ва бошқа қитъа мамлакатлари ушбу рўйхатнинг кейинги ўринларидан жой олган.

Катта молиявий ресурсларга эга бўлган Саудия Арабистони 65,49 балл билан 15-ўринни эгаллаган бўлса, дунёнинг энг қудратли давлатлари бўлиши АҚШ 31-ўринни (61,34 балл), Хитой эса 67-ўринни (52,23 балл) банд этган. Беларусь 60,55 балл билан 36-ўринни, Россия 55,18 балл билан 55-ўринни эгаллаган.

Собиқ совет ҳудудидаги бошқа мамлакатлар ҳақида фикр юритадиган бўлса, улар рейтингда қуйидагича жойлашган: Қозғистон 69-ўрин, Қирғизистон 72-ўрин, Арманистон 85-ўрин, Грузия 87-ўрин, Азербайжан 89-ўрин, Тожикистон 107-ўрин.

Тадқиқотга биноан, таълим тизими ривожланишининг қатор кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон дунёдаги кўплаб давлатлардан илгарилаб кетган. Хусусан, давлатнинг таълим тизими ривожини, мактабларни капитал қуриш ва янгилаш учун йўналтирилган сарф-ҳаражатлари, ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан ўқитувчиларнинг сони неча фоизини ташкил этиши, аниқ фанлар ва муҳандислик иши соҳасидаги битирувчилар сони, GMAT, яъни ўқувчиларнинг бизнес мактабларида муваффақиятли таълим олиш қобилиятини аниқлаш учун стандартлашган тест асосидаги ўқувчиларнинг ўртача баҳоси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистоннинг натижалари бошқа мамлакатлардан юқори экани тахлилий мисоллар орқали аён бўлади.

Зикр этилган тадқиқотда Ўзбекистоннинг бу борада эришган ютуқларининг асосий мезон ва омиллари ҳақида атрофлича фикр юритилади. Айниқса, инсон капиталли ва тадқиқотлар учун инвестициялар, таълим ривожига қаратилган давлат ҳаражатларининг даражаси ва умуман, таълим тизимининг ҳолати Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва инновацион салоҳиятининг энг кучли томонларидан бири экани алоҳида таъкидланади.

Шу муносабат билан муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг қуйидаги фикрларини эса оlish ўринлидир: «**Биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмас, интеллектуал билим, интеллектуал бойлик интилиш ҳар қайси миллат ва халқ учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмас, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши мумкин.**»

Айтиш керакки, бир пайтлар умумбашарий ривожланишдан чиндан ҳам четда қолиб кетган халқимиз ўтмишининг аччиқ тажрибасидан тўғри сабоқ чиқариб, мустақиллик йилларида илм-маърифатга, интеллектуал тараққиётга интилиши, ёшларимизни айнаи шу руҳда тарбиялаш масаласини ўзи учун энг устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олгани ва бу борада улкан амалий самараларга эришаётгани тўғрисида бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон тараққиётининг олдинги сафларига чиқиб бормоқда. Буни юқорида зикр этилган рейтинг натижалари ҳам яққол исботлаб турибди.

ЎЗА

Тақдимот

миқдорини камайтириш мосламасига эга. Шунингдек, автобусларнинг пол қисми паясиз қилиниб, йўловчилар, айниқса, ногиронлар чиқиб тушиши учун қўлайликлар мавжуд. Шу билан бирга, «Mercedes-Benz» автобусларининг кўпгина қисм ва агрегатлари маҳаллий шартларда тикланапти, уларга резина-техник эътиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу рўсумдаги автобуслардан бугунги кунгача 400 дан ортми хариб қилиниб, пойтахтимиз кўчаларига қўқ қўқиб келиб бира, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда.

Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА СОВҒА БЎЛДИ.

Пойтахтимизда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида «Евро-3» стандартидаги «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумли 25 та автобус олиб келинди. Шу муносабат билан 8-автобус саройи очик акциядорлик жамиятида ушбу транспорт воситаларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрида қурилган кенг ва раван йўللар, замонавий кўприк ҳамда йўл ўтказгичлар аҳолининг узоғи-

ни яқин, мушкулини осон қилиш билан бирга йўл ҳарақати хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Бунда Президентимизнинг Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги фармони дастурийамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Келтирилган автобуслар пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари узоғини яқин қиладиган, — дейди 8-автобус саройи бошқаруви раиси Тохир Исмаилов. — Айнаи байрам кунлари ушбу автобуслар Тош-



Шавкат АҚРОМОВ олган сурат.

кент кўчалари узра ҳарақатга қўлайлади.

— 30 йилдан буён ҳайдовчилик қиламан, — дейди Юсуф Қайримжонов. — Ушбу автобус бошқарувни электрон тизимлар орқали текшириш, назорат қилиш имконияти боради билан алоҳида ажралиб туради. Мазкур автобусларга Евро-3 экологик стандартларига мос двигателлар ўрнатилган бўлиб, атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар

қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб берилмайдиган танлов тақлифлари қатнашиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қўқ қўқиб келиб бира, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда.

Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шартини билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1.	Самарқанд шаҳридаги Панжикент кўчасини реконструкция қилиш (II босқич 27-мактабдан С.Айний кўчасигача)	6 906 307 504 сўм	5 755 256 253 сўм	14 ой

Қурилиш ишлари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: — Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси

Манзил: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-й, теле-

фон: (8366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдориди айлана маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга

ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фўқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган

қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб берилмайдиган танлов тақлифлари қатнашиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қўқ қўқиб келиб бира, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қўқ қўқиб келиб бира, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда.

марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.**
Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.
Танлов ҳужжатлари бир тўпланмининг қиймати — 80 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охирий муддати — оферталар очилиш кунини ва соати гача.

Тақлифлар (оферталар) очилиш матбуотда эълон қоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00** да ўтказилади.

«МУДИС»: ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОР

«Мудис» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланишини учинчи йил кетма-кет «барқарор» деб тасдиқламоқда

2012 ЙИЛ 29 АВГУСТ КУНИ «МУДИС» ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ «ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ПРОГНОЗИ» ШАРҲИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ПРОГНОЗИГА КЕТМА-КЕТ УЧИНЧИ ЙИЛ «БАРҚАРОР» РЕЙТИНГИ БЕРИЛГАН.

«Мудис» агентлигининг ҳисоботида қўлай иқтисодий шароит, фаол инвестиция сиёсати ва банклар капиталлашуви-нинг барқарор юқори даражаси ушбу прогнознинг асосий омиллари бўлди, деб қайд этилган.

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобал номутаноъ-сибликларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти, шу жумладан банк-молия тизими муттасил барқарор ривожлани-моқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичлари-га эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори доирасида амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

«Бизнинг фикримизча, прогноз қилинаётган 12-18 ой мобайнида Ўзбекистондаги макроройқтисодий шарт-шароит банкларнинг умумий операция муҳитига ижобий таъсир ўтказади, бунда депозитлар оқимининг ўсишидан ҳам, кредитга бўлган талабнинг оши-шидан ҳам мамлакат банк тизими ютади», — деб таъкидлайди мазкур ҳисобот муаллифлари — «Мудис» агентлигининг бошқарувчи директори Ив Лемэй ва бош тахлилчи — вице-президенти Ольга Ульянова.

«Мудис» агентлиги экспертлари, Ўзбекистонда сўнгги 10 йилликда ялпи ички маҳсулотнинг жадал суръатларда ўси-шини инобатга олиб, истиқболдаги 12-18 ой мобайнида, тўлов балансининг ижобий сальдоси ва давлат харажат-

ларининг ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларга йўналтирилиши натижасида, республикаимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши таъкидлайди. Кўплаб лойиҳаларга йўналтирилган инвестициялар депозитларни жалб қилиш ва кредитлар бериш борасида банклар орқали ўтувчи молиявий ресурслар оқимига ижобий таъсир кўрсатиб, банк тизими барқарорлигини оширишга хизмат қиладди.

Рейтинг агентлиги, прогноз даври давомида Ўзбекистон банкларининг ликвидлик даражаси барқарор сақланиб қоли-ниши, бунга аҳоли омонатлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозитларда-ги маблағлари ўсиши ёрдам беришини таъкидлайди.

Ўзбекистон банк тизимига берилган юқори рейтинг баҳо бошқа халқаро рейтинг агентли-ги «Фитч рейтинг» томонидан ҳам тасдиқланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги мамлакат иқтисодиётининг жадал ўсиши, ташқи молия бозорларининг салбий таъсиридан ишончли ҳимояланганли-ги ҳамда мамлакатнинг кучли ташқи иқтисодий позицияси-нинг мустақамлиги орқали қўллаб-қувватланаётганлиги «Фитч рейтинг» агентлиги томонидан таъкидланади.

2011 йилда Ўзбекистон банкларининг жами активлари 32,4 фоизга, кредит портфели 35,6 фоизга, жами капитални 30,1 фоизга ўсиб, 2012 йилда ҳам ушбу барқарор ўсиш суръатлари давом этмоқда. Сўнгги йилларда банклар капитали-нинг етарлилик даражаси 23-24 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Базель кўмитаси томонидан талаб қилинадиган меъёрлардан уч баробар кўп-дир.

ЎЗА

Тошкент вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга такрорий тендер

РЕТЕНДЕР (КОНКУРС)

савдолари эълон қиладди.

Такрорий тендер (конкурс) савдоларида қатнашиш учун қўйилмайдиган шартларни бажарган, тендер асосида хариб қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилари), шу жумладан, кичик бизнес корхоналари қатнашишлари мумкин.

Хариб қилинаётган товарларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

Такрорий тендер (конкурс) ҳужжатларининг сотиб олиш ба-

ҳоси — 100 000 сўм.

Такрорий тендер (конкурс) ҳужжатлари учун тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Такрорий тендер (конкурс) тақлифларини қабул қилишнинг охирий муддати — 2012 йил 2 октябрь соат 15.00 (маҳаллий вақт билан)гача.

Такрорий тендер (конкурс) ҳужжатлари ва қўшимча маълумотларни олиш учун вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Чўпон ота кўчаси, 7-Б» уй.

Тел: (8-371) 250-40-56, 250-29-81 (факс).

Истиқлол имкониятлари



моқда. Чунки, сифати аъло даражада. Қаршидаги «Cotton Road», Шаҳрисабздаги «Оқсарой-текстиль» МЧЖ, «Яккаботекс» кўшма корхонаси пахтадан калава, ип ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб, экспортга жўнатмоқда.

Бундан ташқари, «Қарши радиатор», «Автотрактор-радиатор» каби кўшма корхоналарда автобуслар, юк машиналари, тракторлар учун радиаторлар тайёрланапти. Халқаро сифат ёрлиғига эга «Қарши таъмирлаш заводи» масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда чўян эритиб, плуг, чизель, сеялка, культиватор, борона каби усуналар, пуркагич мосламалари ишлаб чиқаряпти. Бундай корхоналар сони кун сайин кўпаймоқда. Ҳозир воҳадаги 60 га яқин корхона экспорт қилиш салоҳиятига эга. Булар, ахир, тенгсиз имконият эмасми?

ЖОНМАКОН

Шаҳрисабз туманининг тоғ олди «Оқ олтин» қишлоғидаги пишиқ гиштдан тикланган 100 га яқин уйни ўша пайтлар вилоятнинг биринчи раҳбари бўлган Юртбошимизнинг ўзлари қурдирган, эгаларига қалитларни ўз кўллари билан топширган эди. Бу уйларида яшаётганлар буни миннатдорлик туйғуси билан тез-тез эслаб туради.

Дарҳақиқат, юртимиз тароватига тароват, жамолига жамол қўшаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уйларида ўша пайтдаёқ Қашқадарёда тамал тоши қўйилган эди. Кейинги йилларда шу каби юркам ва шинам уйлари 1640 тасида ҳовли тўйлари ўтказилди. Яна 870 та уй қурилмоқда.


Кечагидек эсимда, туманларимизнинг айрим қишлоқларидаги мактаблар чим, паҳсадан нари бери тикланар эди. Ҳозир вилоятнинг ўзида 1115 та мактаб бўлса, шундан 216 таси янгидан қурилди. Қолганлари сифати таймирланди. Мебеллар, замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Айни пайтда 7 та академик лицей, 136 та касб-хунар коллежидаги шароит жаҳон андозаларига мос.

Таълимга эътибор, албатта ўз самарасини бермоқда. Китоёб туманидаги 1-иктисослашган мактаб ўқувчиси Баҳриддин Абдиев Вьетнамда ўтган халқаро олимпиадада голиб бўлиб, олий ўқув юртига имтиёзга қабул қилинди. Феруза Абдурахмонова тэксавандо бўйича республика ва Осиё чемпиони. Яқинда Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ёш олимлари гўзаяпоядан биогаз, биокўмир, биобензин олиш усули, кўёш нури ёрдамида уйлари иситиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин...

Биз, Ватанимизнинг бир бўлаги — Қашқа воҳасида бўлаётган катта ўзгаришларнинг айримлари хусусида тўхталдик, ҳолоқ. Бу ўзгариш ва бунёдкорликлар асрларга татигулик. Булар — истиқлол мавжлари.

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Хушхабар



«ЎЗАВТОЙЎЛ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИДА ЙЎЛСОЗЛИК СОҲАСИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШLANGAN ТАДБИР БЎЛИБИ ЎТДИ.

БАЙРАМ АРАФАСИДА

Унда таъкидланганидек, ўтган вақт мобайнида йўлсозларимиз томонидан тўрт ярим минг километр яқин йўл, 175 дан ортик кўприк ва йўл ўтказгичлар барпо этилди. Бу борда Республикаимизнинг бошқа ҳудудларини Фарғона водийси билан боғлашда асосий восита ҳисобланган Қамчиқ домини орқали ўтган автомобиль йўли ва туннелларни алоҳида қайд этиш жоиз.

Шунингдек жорий йилда Ўзбек Миллий автомагистрალი таркибига кирувчи 517 километр йўлни янгидан қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ундан 323 километр қисми қурилгани истиқлол байрамига йўлчиларнинг аjoyиб совғаси бўлди.

«Ўзавтойўл» ДАК матбуот хизмати.

ҚАШҚАДАРЁ МАВЖЛАРИ



ЎЗИМИЗНИНГ НОН

Қадимгилардан «агар қалбинг тошса, оқар сувни ёқала», деган нақл қолган. Ҳисор тоғ тизмаларининг қор қоплаган чўққиларидан бошланадиган Қашқадарё қарийб 1 миллиард кубометр сув узатади, бог-роғларга ҳаёт бағишлаб, Қарши даштини қондираётган Амударёга қўшилиб кетади. Дарёнинг Қамши туманидан ўтадиган ўзанига етар-етмас жойда, дала ўртасида оппоқ шийпон бор.

Бу ерларнинг эгаси Абди Бозоров моҳир деҳқон. Узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаган. Истиқлолга эришганимиздан сўнг, «Бозор Абди ўғли» фермер хўжалиғига асос қўйди. У киши бизни турмушларидан рози. Абди ака ҳар галгидек бу йил ҳам вилоятда биринчиликдан бўлиб 61 гектар ердан мўл ҳосил олиб, 176 тонналик дон хирмони кўтарди. 60 гектар ерга эса чигит қадаган. Пахталар оппоқ бўлиб очилиб ётибди. У киши бизни шийпонга бошлаб, дастурхонга тақлиф қиладди, нон ушатиб, «Ўзимизнинг бугундан ундан», дейди қулимсираб. Еган бир бурда ноним шунчалар тотли туюладики...

Эсимда, мустақилликка эришганимизнинг дастлабки кунларида «Дон, ун четдан келарди, қандай яшаймиз?» деган савол кўпчиликни қийнаётган эди. Йўқ, хор бўлмадик! Мама-

катимиз раҳбари кўрсатган йўлдан бориб, бепойн галлазорларга эга бўлдик. Заҳматлар аро ўтган ўша даврдаги курашлар самарасини Юртбошимиз бу йил галлазорларга йўллаган табригида алоҳида таъкидлади.

Қашқадарё ҳам галлақайнарга айланаб бормоқда. 1991 йилда вилоятда галла ҳосилдорлиги 14 центнердан салгина ошган эди. Бу йил эса бу кўрсаткич 55-56 центнерга етди. Косон, Нишон, Касби туманларида хирмонлар қош-қош бўлди. Ниманинг эвазига?! Аввало, эркин меҳнат, ер ўз эгаларига топширилгани, фермерлик ҳаракати туфайли. Мана бугун улар ўз самарасини бермоқда: элимиз дастурхонига баррака кирди. Ана шулар ҳақида сўхбатлашарканмиз, тажрибали деҳқон Абди Бозоровнинг қалби фаҳрга тўлади:

— Биласизми, даламизга Юртбошимиз икки марта ташриф буюриб, бугунги ишлар, келажак ҳақидаги орзуларини айтганлар. Уларнинг орзулари амалга ошаётганини ҳаммамиз

Дарҳақиқат, юртимиз тароватига тароват, жамолига жамол қўшаётган намунавий лойиҳалар асосида уйларида ўша пайтдаёқ Қашқадарёда тамал тоши қўйилган эди. Кейинги йилларда шу каби кўркям ва шинам уйлари 1640 тасида ҳовли тўйлари ўтказилди. Яна 870 та уй қурилмоқда.

қуриб турибмиз. Мана, дастурхондаги нон — ўзимизнинг нон!

ЎЗИМИЗНИНГ КОН

Муборак газни қайта ишлаш заводи юртимиздаги энг улкан корхоналардан бири. Бу ерда катта ҳажмда тизилган газ ишлаб чиқариш баробарида, янги мажмуа барпо этилмоқда. Ушбу мажмуа биттагина 12 миллиард кубометр газни қайта ишлаб, 258 минг тонна сульфурланган газ, 125 минг тонна газ конденсати тайёрлаш имконияти яратилади. Бошқа йирик корхона — «Шўртаннефтьгаз» унитар корхонасида пропан-бутан аралашмаси олиш қурилмаси аллақачон ишга тушиб кетган. Яна бир тенгсиз иншоот — «Шўртан газ-кимё» мажмуи полиэтиленнинг 160 та турини ишлаб чиқара олади. Корхона маҳсулотлари ўнлаб хорижий давлатларга экспорт қилиниши билан бирга, турли маҳсулотларни тайёрлаш учун бебаҳо хомашё ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари истиқлолнинг биринчи кунларидаёқ қонларни ўзлаштириш зарур эканлигини таъкидлаган эди. Вилоятдаги нефтьгаз қидириш ва бургулаш акциядорлик компанияси геология бўлими бошлиғи Анвар Тошқулов бу ҳақда шундай дейди:

— Битта газ ёки нефть қонини очиб учун баъзан ер қаърини 3-4 метр қазига тўғри келади. Бу ёғинсочин, иссиқ-совуқда йиллар давомида заҳмат чекиш демакдир. Истиқлолимиз туфайли энг замонавий усуналарга эга бўлдик. Янги захиралар ўзлаштиришга киришилди. Қончиларимиз томонидан очилган «Истиқлол», «Кўкдумалоқ», «Шеркент» каби ўнлаб қонлар тенгсиз ҳазина...

Деҳқонobodдаги Тепакўтон қонининг ўзи алоҳида мавзу. Бу ерда хитойлик ҳамкорларимиз билан хомашёни қайта ишлаш заводи қурилди. Ўтган йили 180 минг тонна қалийли ўғитлар ишлаб чиқарилиб, асосан, четга экспорт қилинди. Қурилиш биттагина, 400 минг тонна ўғит ишлаб чиқарилади. Қудратли ва энг замонавий техника билан жиҳозланган ушбу қонда 1400 киши меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг кўпчилиги ёшлар.

ЎЗИМИЗНИНГ ИМКОН

Ҳозир жаҳон бозорида «MADE IN UZBEKISTAN» ёрлиғи туширилган пахта толасига кун сайин талаб ош-

Бунёдкорлик



МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА НУКУС ШАҲАР ДЕҲҚОН БОЗОРИНИНГ 411 ЎРИНЛИ ИККИНЧИ ҚИСМИ БИТКАЗИЛИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

БОЗОРЛАР ТЎКИН, маҳсулотлар харидоргир

Унда айни кунларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари ташкил қилинмоқда. Жумладан, гўшт, туҳум, парранда гўшти, қовун-тарвуз, сабзавот, картошка, узум маҳсулотлари харидорларга арзонлаштирилган баҳоларда сотилапти.

нинг эски шаҳар ва «Ойдин йўл» бозориди ҳам ташкил этилган, — дейди «Нукус деҳқон бозори» очилган акциядорлик жамияти раиси Шухрат Сапарбаев. — Шаҳар аҳолиси учун бу катта байрам совғаси бўлди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама ўрнида

БЕРУНИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

жамоаси юртдошларимизни

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами билан табриклайди.

Барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт тилайди.

БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН!

ОБ-ҲАВО 30-31 — 08. 2012	
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+17 / +22 +32 / +37
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+17 / +22 +32 / +37
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	+17 / +22 +32 / +37
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	+18 / +23 +33 / +38
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	+17 / +22 +31 / +36
Тошкент шаҳри	+18 / +20 +34 / +36
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+10 / +14
Париж	+15 / +13
Москва	+12 / +7
Мадрид	+18 / +13
Пекин	+22 / +22
Канберра	+2 / -3
Рим	+18 / +21
Афина	+20 / +19
Токио	+27 / +27
Стокгольм	+12 / +13
Кейптаун	+11 / +11
Қоҳира	+20 / +21
Гавана	+25 / +25
Вашингтон	+21 / +22

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiddin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846
10525
nuxxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 03.30
Topshirilgan vaqti — 04.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5